

АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

*Андижон давлат педагогика
Институти Махсус педагогика
кафедраси ўқитувчилари
дотс. Мұхаммадазиз Жўрахўжаев,
Мирзаева Умидахон
Ахмедова Вазира,
Маматисаева Сурайё
Тел. 97-162-06-70
umidaxonmirzayeva@gmail.com*

Аннотация. Ушбу мақолада ақли заиф болаларнинг ўзига хос ривожланиши ва бу жараёнда ўқитишнинг аҳамияти очиб берилган. Матнни ўқиши, мулоқот қилишга ўргатиш усуллари ажратиб берилган.

Калит сўзлар: ақли заифлик, мулоқот, ўқув фаолияти, дарс, ижтимоий фаолият.

Ақли заиф бошланғич синф ўқувчиларининг матнларни ўқиши, саволларни ўқиши ва уларга жавобни матндан топиши, сарлавҳа, абзац, қаторларни фарқлаши каби фаолияти ўқиб ўрганиш фаолиятини қулайлаштиради. Бунда ўқитувчилар ҳар бир ўқувчининг индивидуал имкониятларига кўра дарсликдаги топшириқларни тақсимлаши талаб этилади. Дарснинг муайян босқичида ўқувчиларнинг дарслик билан ишлаш фаолиятини ташкил этиш методик жиҳатдан ўзига хос ёндашувларни тақозо этади. Бунда ўрганилаётган мавзунинг кўлами ва визуал жиҳатдан бойитилганига эътибор қаратилади. Дарсликда матнларга оид расмларни кўриш, сўралган объектни топиш ва уни тасвирлаш каби фаолиятларни тизимли ташкил этиш дарс мақсадига эришиш имконини беради.

Ўқув-ижтимоий фаолиятнинг асосини мулоқот ташкил этади. Мулоқот ўқув-ижтимоий фаолиятни ташкил этишда ва мақсадли давом этишида муҳим омилдир. Мулоқотнинг самарали кечиши ақли заиф ўқувчининг луғат бойлигига боғлиқдир. Луғатнинг таркиби оиласарда йўлга қўйилган педагогик ишлар сифатига кўра хилма-хиллашади. Масалан, оиласада бола билан дараҳтларни ёнига бориб, кузатиб, мос савол-жавоблар ўтказилса, демак унинг ўсимликлар хусусида билими ва сўз захираси шаклланади. Ошхонадаги сухбат асосида эса, овқатланиш ва ошпазлар фаолияти ҳамда таомлар турлари, уларга кетадиган маҳсулотлар ҳақида билимлар тизимлашади.

Адабиётларни ўрганиш ва амалиётни кузатиш натижасида ўз-ўзидан ўқув-ижтимоий фаолиятнинг тузилиши ойдинлашди. Бунинг учун бу интегратив тушунчанинг таркибидан келиб қичиб, унинг моҳиятини очиб берамиз. Ўқув фаолияти билимларни ўзлаштириш, атроф оламни кузатиб, таҳлил қилиб, қисмларга ажратиб ва бошқа тарзда ўрганиш, буюмларни номлаш ва уларнинг вазифаларини тушуниш, ҳар бир предметлар тўпламини ажратиш ва алоҳида буюмларни мос тўпламга бирлаштириш, рақамларни билиш, таниш ва қўллаш, ҳарф, сон, миқдорни билиш ва қўллаш ва бошқаларни ўз ичига олади. Ижитимоий фаолият асосан шахснинг ўзини ўзи намоён қилиши, ўзаро мулоқот, ёрдам, вазиятларни баҳолаш ва ўзини мос равишда тутиш, соғлом турмуш тарзини юритиш, меҳнат билан банд бўлиш, дўстлашиш ва бошқа жамоавий муҳит билан боғлиқ ҳарақатларни ўзида мужассамлайди. Бошланғич синф ақли заиф ўқувчиларнинг ўқув-ижтимоий фаолиятини такомиллаштиришда нутқ, ўзаро мулоқот, вербал ва новербал мулоқотни тушуниш кабилар устида ишлаш тақозо этилади. Сунки ўқувчиларнинг луғат захирасини бойитиш орқали ўқув фаолияти такомиллашади, ўқув фаолияти жараёнида эгаллаанган билим, кўникма ва малакалар замирида ижтимоий фаолият ўз функцияларини бажаради. Шунинг учун айнан ақли заиф ўқувчиларнинг нутқи, коммуникативлигини ривожлантиришга оид тадқиқот ишлари алоҳида ўрганилди.

М.И.Шишкованинг “Развитие коммуникативной функции речи умственно отсталых старшеклассников на уроках литературного чтения” мавзусида олиб борган изланишида ақли заиф ўқувчилар нутқининг коммуникатив функциясини ривожлантиришнинг амалий йўналтирилган методикаларини ишлаб чиқишига эришилган. Олим томонидан қўйидаги илмий фараз илгари сурилади: 1) ақли заиф болалар нутқининг мулоқот функцияларини ривожлантириш маҳсус яратилган психолого-педагогик шароитда амалга ошади; 2) ўқувчиларнинг мулоқотчанлигини ривожлантиришда бадиий матн асосида диалог ва нутқий вазиятларнинг мазмунини оддийдан-мураккабга муносабатда такомиллаштириш керак; 3) коммуникатив фаолиятга мотивацияловчи савол ва топшириқлардан фойдаланиш ва ўқувчиларнинг ижобий эмоционал кайфиятини бутун дарс давомида сақлаш мақсадга мувофиқ; 4) ўқувчиларнинг мулоқотини ташкил этишига қаратилган нутқий вазиятларни моделлаштиришнинг методик йўлларини жорий этиш муаммони ҳал этишнинг оптималь йўлидир. Олим муаммони асослашга қаратилган тажриба-синов ишларида ақли заиф ўқувчиларида мулоқот кўникмаларининг етарли, етарлига яқин, етарли эмас даражаларда шаклланганини аниқлади. Бундан ташқари таълимий диалоглар жараёнида коммуникациянинг турли компонентлари ўзаро боғлиқлиги кузатди. Хусусан, топшириқка қизиқишининг сақланиши, диалогни олиб боришнинг эмоционал безаги, саволни қўйишда фаоллик ва ташаббускорлик, саволларни беришда

мантиқий кетма-кетлик, ўзгаларни тинглаш, фикрларни грамматик жиҳатдан тўғри шакллантириш ва б..

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ақли заиф бола билан ишлаш фаолликка ундаш мақсадида фойдаланиш самара беради. Педагоглар эса, ўзларида эса намоён этиши керак. Бу дарс жараёнини ҳамма учун қизиқарли бўлишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Maxsuspsixologiya L.R.Mo'minova, Sh.M.Amirsaidova, Z.N.Mamarajabova, M2. У. Хамирова, Д.Б. Якубжанова, З.М. Джалолова, Н.З. Абидова. 2013й
2. Maxsus педагогика П.М.Пўлатова. 2005й
3. Олигофренопедагогикаасослари К.Х.Мамедов, А.М. Соатов, П.М. Пўлатова. 1994й
4. Л.Р.Мўминова Ногирон болаларни оилада тарбияси 1996й
5. К.Х.Мамедов. Рухий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчилар психологияси 1994й
6. Аюпова .М. Логопедия
7. К.К.Мамедов, F Б .Шоумаров Рухий ривожланиши суслашган болалар хақида. 1992й
8. 3.Нишанова, Г.Алимова .Болалар психологияси ва уни ўқитиш методикаси. 2005й
9. Qodirova, M. (2025). INKLYUZIV TA 'LIM SHAROITIDA ESHITISHIDA KAMCHILIGI BO'LGAN O'QUVCHILARNI O'QITISH USLUBIYATI. *Universal xalqaro ilmiy jurnal*, 2(4.1), 393-395.